# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 8 август, № 155 (5575) Чоршанба


# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!




*Обод ва саришта хонадондан файзу барака аримайди, дейди кексаларимиз. Шу боис юртдошларимиз ҳамиша бунёдкорлик, яратувчанлик иштиёқи билан яшайдилар. Хонадонлар, қишлоғу маҳаллалардан бошланган хайрли ташаббуслар мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёзиб, эл-улусни эзгу амаллар сари бошлайди, муштарак мақсад атрофида жипслаштиради.*

*Бугун халқимиз улуғ байрам остонасида турибди. Ҳадемай мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигини катта шодиёна билан қарши оламиз. Юртимизнинг барча ҳудудларида ободончилик, бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда. Янги-янги бино ва иншоотлар, хиёбону гузарлар барпо этилаётир. Кўчалар, боғлар, қадамжолар ободонлаштирилмоқда.*



## Хоразм:

# Чароғон манзиллар, кўркам гўшалар



Хусусан, Хоразм вилоятида ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимизга тараддуд қизғин. Нафақат шаҳар ва туманлар марказлари, балки чекка ва олис қишлоқлар ҳам янада кўркам қиёфа касб этиб бормоқда. Президентимиз томонидан жорий йил 19 июнда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарор воҳа аҳлини ҳам улкан бунёдкорлик ишлари сари руҳлантириб юборди. Энг аввало, истиқлол шодиёнасига тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш, тоза ичимлик суви ва табиий газ таъминотини, соғлиқни сақлаш, алоқа, транспорт ҳамда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш каби устувор вазифаларга алоҳида ўрин берилган. Ҳозир вилоят маркази — Урганч шаҳрида махсус дастур асосида бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Шаҳар халқаро аэропорти билан темир йўл вокзалини туташтирувчи марказий Ал-Хоразмий кўчаси бутунлай янгидан бунёд этилмоқда. Мазкур кўчада замонавий лойиҳалар асосида 427 та хонадонга мўлжалланган 4-5 қаватли 12 та туражой, 28 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалининг янги биноси, 4 та меҳмонхона ва бошқа иншоотлар қад кўтармоқда.

Мазкур йўлнинг Ўзбекистон кўчаси билан кесишган қисмида 1,1 гектар майдонни эгаллаган кўркам хиёбон барпо этилиб, бу ерда 2 та замонавий фаввора қуриб битказилди. Тунги ёритиш тизими ишга туширилди. Шунингдек, шаҳарликлар ва меҳмонларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун Ал-Хоразмий кўчасининг Ўзбекистон ҳамда Паҳлавон Маҳмуд кўчалари билан кесишган жойида сайилгоҳ ҳам ташкил этилмоқда. Бинобарин, шаҳар марказидаги 16 гектар майдонни эгаллаган "Ёшлар кўли" дам олиш масканида реконструкция ишлари ниҳоясига етказилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда:



### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

#### Бухоро

*Шофиркон саноат ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг физика фани лабораторияси хонасидаги компьютерлар қуёш нуридан олинадиган муқобил энергия асосида ишлайдиган бўлди.*

### Қуёш нуридан энергия

Вилоят ўқув муассасалари орасида биринчи бўлиб бу ерда гелиоқурилма ўрнатилди. Уни Тошкентдаги "Интеллект-диалог" масъулияти чекланган жамияти мутахассислари амалиётга татбиқ этдилар.

— Мазкур лойиҳа "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компаниясининг буюртмасига мувофиқ бажарилди, — дейди жамиятнинг вилоятдаги вакили Ўткир Ҳалимов. — Ихчам, замонавий қурилмани ўрнатишга жами 42 миллион сўм сарфланди. Эндиликда коллеж ўқувчилари замонавий ахборот технологияларини ишлатишда ушбу гелиоқурилма хизматидан фойдаланишлари мумкин. Жорий йил якунигача Қоракўл туманида қуёш энергияси воситасида сувни иситиб берадиган яна бир шундай лойиҳани амалга оширишни режалаштирганмиз.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

#### Навоий

*Конимех туманидаги "Караката универсал сервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан деворбоп материаллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

### Қўшимча қувватлар ҳисобига

— Кичик корхонамизда йилига 6 миллион донадан ортиқ ғишт тайёрланади, — дейди корхона раҳбари Зиёҳиддин Бобоев. — Хом ашёни туманимизнинг "Чордара" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан олаяпмиз. Албатта, маҳсулот ҳажмини оширишда банкдан олинган 100 миллион сўмлик кредит қўл келди.

Конимех туманида жорий йилнинг январь — июнь ойларида 193 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилиши ҳисобига 1371 иш ўрни яратилди.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

#### Наманган

*Косонсойдаги "Баркас текс" қўшма корхонасида табиий ипакдан ишлаб чиқарилаётган момиқ сочиқларнинг хорижда ҳам харидори кўп.*

### Ипакдан момиқ сочиқлар

Буни ана шу маҳсулотларнинг саксон фоизи экспортга чиқарилаётгани ҳам кўрсатиб турибди.

— Чет эллик ҳамкорлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ, жорий йилнинг ўтган етти ойида 165,9 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Абдулаҳаев. — Бу 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 20 фоиз кўпдир. Маҳаллий ёшлардан 46 нафарини бирлаштирган меҳнат жамоамиз билан йиллик экспорт ҳажмини 350 минг АҚШ долларидан оширишни мақсад қилганмиз.

Таъкидлаш лозимки, бугун вилоятда 53 та экспортчи корхона фаолият кўрсатмоқда, уларнинг жорий йил биринчи ярмида бажарган ташқи савдо амаллари 46,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

#### Сурхондарё

*Термиз шаҳридаги "Ихлос Сайид" хусусий корхонасида йилига 80 тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга янги линия ишга туширилди.*

### Янги линия афзаллиги

Мазкур лойиҳани амалга оширишда банкнинг 80 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди.

— Технологияларимизнинг барчаси замонавий, — дейди тадбиркор Саидакром Аслонов. — Улар орқали унни қоришдан тортиб, печда пиширишгача бўлган барча жараён автоматик равишда амалга оширилади. Бу эса маҳсулотларимиз сифатини юксалтириш имконини бераяпти.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 127,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тула Ирйола:

# «Халқингиз эришган муваффақиятлар алоҳида эътиборга лойиқ»

*Финляндия Ўзбекистон билан икки томонлама асосда ҳамда Европа Иттифоқи ва етакчи халқаро ташкилотлар доирасида амалий ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга интилмоқда. Финляндиянинг Ўзбекистондаги элчиси (қароргоҳи Хельсинкида) Тула Ирйола "Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбат чоғида ана шундай фикрни билдирди.*

#### Дунё нигоҳи

Финляндиялик дипломат икки томонлама муносабатлар ривожига юқори баҳо бергани ҳолда, ўзаро алоқаларимиз катта салоҳиятга эга эканлигини айтди.

— Шуниси муҳимки, турли муассаса ва ташкилотлараро ҳамда ишбилармон ва эксперт доиралари вакиллари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг кўлами тобора кенгайиб бормоқда, — деди у. — Бу эса, шубҳасиз, мамлакатларимиз ўртасидаги бир-бирини тўғри тушуниш ва ўзаро ҳамкорлик даражасининг юксалишига ижобий таъсир кўрсатади. Биз Ўзбекистонда Европа Иттифоқи делегацияси (ваколатхонаси) очилишини ҳамда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили этиб тайинланган Патриция Флорнинг яқинда Тошкентга буюрган самарали ташрифини олқишлаймиз. Буларнинг барчаси ҳамкорлик муносабатларининг изчиллигидан гувоҳлик беради.

Тула Ирйоланинг қайд этишича, XX аср бошида мустақил давлат сифатида дунё харитасида пайдо бўлган Финляндия Европанинг бошқа давлатлари билан таққослаганда, бир қадар ёш мамлакат ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти даврида эришган муваффақиятлари Финляндия томонидан юксак баҳоланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

#### Жараён

*Ўтаётган ҳар бир кун бизни Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик тўйига тобора яқинлаштирмоқда. Ўтган йилларда амалга оширилган улкан ишлар, изчил ислоҳотлар ва бетимсол янгиланишлардан ҳар бир юртдошимизнинг кўнгли ғурур ва ифтихорга тўлади. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган мураккаб даврда ҳам Ўзбекистон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолаётганлигини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Халқаро мутахассисларнинг бу борадаги кўплаб ижобий фикрлари ютуқларимиз жаҳон миқёсида эътироф этилаётганидан далолатдир.*

# ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИКЛАРИ ТОМОНИДАН ЮКСАК БАҲОЛАНМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" амалда ўзининг юксак самараларини бермоқда. Буни мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиб, халқимиз фаровонлиги изчил юксалиб бораётганлиги мисолида яққол кўриш мумкин. Айни пайтда иқтисодиётнинг қон томирлари деб таъриф берилган мамлакатимиз банк тизими дунё молия-банк тизими тамойилларига ҳамоҳанг равишда ривожланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган "2011 — 2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга биноан, мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан қўлланиладиган халқаро меъёр, мезон ва стандартлар асосида ташкил этиш ҳамда уларнинг юқори баҳоларига эришиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз банк тизимида олиб борилаётган бундай тизимли тадбирлар, жумладан, тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, капиталлашув даражаси ва ликвидлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар халқаро рейтинг агентликлари томонидан юксак баҳоланмоқда. Соҳада олиб борилган чора-тадбирлар натижасида банк тизимида эришилган кўрсаткичлар нафақат халқаро умумқабул қилинган меъёрларга жавоб беради, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юксак баҳоларга сазовор бўлмоқда.

Хусусан, бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,2 фоизни ташкил қилиб, халқаро банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан қабул қилинган талабга (8 фоизга) нисбатан 3 баробар юқори. Банк барқарорлигини баҳолаш омилларидан бири бўлган банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси бир неча йилдан буён 65 фоиздан юқори бўлиб, белгиланган минимал даражадан (30 фоиздан) 2 баробар кўпдир.

(Давоми 2-бетда).

# ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрдаги "Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Танловга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида битта теле ҳамда Андижон вилоятида битта радиочастоталар бўйича келиб тушган буюртманомалар кўриб чиқилди ва ғолиблар аниқланди.

Шунингдек, Комиссия томонидан теледастурларни тарқатиш ва ҳудудини кенгайтириш, маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикамиздаги йирик корхоналарда маҳсулот таннархини***

**11,1 фоизга камайтиришга эришилди.**

# Саноат тармоқларининг рақобатбардошлиги ошмоқда

Саноат тармоқлари рақобатбардошлигини оширишга қаратилган изчил чора-тадбирлар, айниқса, энергия ресурсларини тежаш, технологик жараёнлар, хом ашё ва материалларни сарфлаш нормаларини оқилона ташкил этиш ҳамда бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига ана шундай юқори натижага эришилди.

# Бурч ва масъулият

*Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ҳамда либераллаштиришдан иборат, десак муболаға бўлмайди. Зотан, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.*

## Муносабат

Дарҳақиқат, юртимизда истиқлол йилларида суд тизимини изчил ва тизимли ислоҳ қилиш жамиятни демократик янгилаш жараёнлари билан уйғун равишда олиб борилди. Зотан, суд тизимини либераллаштирмасдан, демократлаштирмасдан туриб, бугун мамлакатимиз ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, гуманитар ва бошқа соҳаларида изчил амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотларни рўёбга чиқариб бўлмайди.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилиниши мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларни амалда рўёбга чиқаришга қаратилган мазкур Фармон судьялар ва суд тизими ходимлари фаолиятини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза этишни тубдан яхшилашга қаратилган мазкур Фармоннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Зеро, мамлакатни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий янгилаш ва модернизация қилиш суд тизимини такомиллаштириш, суд органлари ваколатларини кучайтириш ва уларнинг ролини ошириш билан бевосита боғлиқдир.

Умуман олганда, Юртбошимизнинг ушбу Фармони суд институти мустақиллигини таъминлаш, жамиятда судьяларнинг ижтимоий мақоми ва ҳолатини мустаҳкамлаш, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасини янада ривожлантиришнинг муҳим асосига айланади. Унинг амалиётга жорий этилиши юртимизда адолат ва холислик принципларини янада кенг таъминлашга хизмат қилади.

**Р. АРЗИЕВ,**
**Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати, ҳуқуқшунос.**

Тула Ирйола:

# «Халқингиз эришган муваффақиятлар алоҳида эътиборга лойиқ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Европалик дипломатнинг фикрича, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик учун қатор таҳлика ва хатарлар мавжудлигига қарамай, Ўзбекистон тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишга муяссар бўлди. Ҳозирги пайтда юртимизда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиши жараёнлари муваффақиятли кечаётгани ҳам Т. Ирйоланинг эътиборидан четда қолмади.

— Финляндиянинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида сўнгги икки йил давомида мамлакатингиз билан яқиндан танишганим туфайли шуни ишонч билан айта оламанки, юртингиз қўлга киритган ютуқларнинг муҳим омили шу заминда яшаётган инсонларнинг эзгуликка иштиёқмандлиги ва меҳнаткашлигидир, — деди у. — Шу маънода, халқингиз эришган муваффақиятлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Т. Ирйола суҳбат чоғида икки мамлакат келажаги йўлидаги ўзаро ҳамкорлик учун бой салоҳиятлар мавжудлигини маълум қилди.

“Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатларнинг янада ривожланишини чин дилдан исташимни айтмоқчиман. Ўзбек халқи деганда кўз олдимда очиққўнгил, меҳрибон ва саховатпеша инсонлар гавдаланадики, улар билан дийдор кўришиш учун Ўзбекистонга келиш менга мамнуният бағишлайди”, дея фикрини якунлади Тула Ирйола.

**Наргис САИДАЛИЕВА,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**

# Талабалар шижоати

*Самарқанд вилоятидаги бир қатор олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган 1200 нафардан ортиқ талаба-ёшлар “Бунёдкор” меҳнат жамоалари сафига жалб этилди.*

## Интилиш

Хусусан, Самарқанд давлат университети талабаларидан 40 нафари “8 март” фабрикасида, яна 100 нафари Самарқанд ҳамда Оқдарё туманларида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар қурилишида меҳнат қилмоқдалар. Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти ҳамда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти талабалари бунёдкорлик ҳамда ободончилик ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бундан ташқари, Самарқанд давлат чет тиллар институтида таълим олаётган 80 нафар йигит-қиз “Karavan travel”, “CATIA”, “Сарбон Тур” сайёҳлик фирмаларида ишлаб, вилоятга ташриф буюраётган меҳмонларга таржимонлик қилишмоқда. Самарқанд тиббиёт институтининг 100 нафар талабаси эса вилоятнинг чекка қишлоқларида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ишларида фаол қатнашаётир.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Хоразм:

# Чароғон манзиллар, кўркам гўшалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— “Ёшлар кўли”нинг кичик оролчасида Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги тарихий ёдгорликларнинг нусхалари ўрин олган майдонча барпо этилди, — дейди дам олиш масканининг реконструкция қилиш дирекцияси бошлиғи Одилбек Жиянов. — Бу ерда ёшлар мазмунли ҳордиқ чиқаришлари билан бирга, билим ва дунёқараши, тасаввурларини бойитишлари мумкин. Мазкур сўлим маскан мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрамига чинакам совға бўлади.

Воҳада бунёдкорлик ишларининг кўлами кенг. Масалан, жойларда 9 та соғлиқни сақлаш муассасаси капитал реконструкция қилинди, 2 таси мукаммал таъмирланмоқда. 5 та мактабда спорт зал, битта сузиш ҳавзаси бунёд этилаяпти. 5 та умумтаълим мактабида капитал реконструкция, 12 та мактабда мукаммал таъмирлаш, 5 та касб-ҳунар коллежида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Хоразм вилоятида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг оғирини енгил қилиш кун тартибидаги муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда. Жумладан, ичимлик суви таъминотига доимий эътибор қаратилаяпти. Айни кунларда 26 та қишлоқ аҳоли пунктига зилол сув етказиб бериш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти, 64 километр узунликдаги ичимлик суви тармоқларини қуриш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бундай ижобий фикрларни аҳолини табиий газ билан таъминлаш масаласи бўйича ҳам айтиш мумкин.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги шодиёналари олдидан вилоятда барча соҳаларда ўсиш, ўзгариш, янгиланишлар кузатилмоқда. Асрларга татигулик бунёдкорликлар кўҳна ва навқирон воҳани яшартириб, яшнатиб юбораётир. Энг муҳими, меҳри қуёшдек иссиқ, қалби дарёдек жўшқин, саховатли, меҳнаткаш, ғурури баланд, оққўнгил хоразмликларнинг байрамолди кайфияти ниҳоятда кўтаринки. Улар мустақиллигимизнинг 21 йиллик катта тантанаси ҳаётимиздаги муҳим воқеа эканлигини дилдан ҳис этиб турибдилар. Ушбу бўлажак шодиёна ҳар бир юртдошимиз қалбида эзгу ва хайрли ишларга ўзгача иштиёқ уйғотиши, шубҳасиз.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# Ахборот олишнинг мустаҳкам кафолати

*Пойтахтимизда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги ҳамда ошкоралиги — уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг муҳим омили” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## Тадбир

Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари, мутахассис-экспертлар қатнашди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Чунончи, бунинг учун зарур ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий пойдевор яратилган. Хусусан, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонунлар оммавий ахборот воситаларини янада равнақ топтириш, уларни изчил либераллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя, таклиф ҳамда қонунчилик ташаббуслари соҳа тараққиётини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши таъкидланди. Хусусан, Концепцияга мувофиқ, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олишига оид ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш чоралари кўрилаётгани диққатга сазовордир.

Шубҳасиз, кенг жамоатчилик иштирокида тайёрланган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси республикамизда бу борада олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давомидир. Зеро, мазкур ҳужжат фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериши билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтиришга қаратилгандир.

Йиғилишда қонун лойиҳасида жамиятни давлат бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида хабардор қилиш, уларнинг очиқлиги ва ошкоралиги борасидаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, давлат органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш назарда тутилаётгани ҳақида айтиб ўтилди. Унда қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар берилди.

Ушбу мавзуга оид тадбирлар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

**С. МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИКЛАРИ ТОМОНИДАН ЮКСАК БАҲОЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Икки йилдирки, “Мудис” халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимига “барқарор” рейтинг даражасини бермоқда. “Стандарт энд Пурс” халқаро рейтинг агентлиги ҳам мамлакатимиз банк тизимини ижобий баҳолаб, рейтингини бир поғона юқорига кўтарди. Шунингдек, жаҳоннинг “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг ижобий рейтинг баҳосини олган банкларимиз сафи йил сайин кенгайиб бораётганлиги ҳам қувонарлидир.

Аввалги йилларда халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” рейтингини олган тижорат банклари сони 13-15 тани ташкил қилган бўлса, бугунги кунда улар сони 26 тага етди. Ушбу банкларнинг банк тизими жами активларидаги салмоғи 98 фоиздан ошиб кетди. Мамлакатимизнинг етакчи банклари, жумладан, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (“Мудис”, “Стандарт энд Пурс”), “Асака” банки (“Мудис”, “Фитч Рейтингс”), “Ўзсаноатқурилишбанк” (“Фитч Рейтингс”, “Стандарт энд Пурс”) ва “Ипотека-банк” (“Мудис”, “Стандарт энд Пурс”) бир пайтнинг ўзида иккита халқаро рейтинг агентлигининг “барқарор” рейтинг баҳосига сазовор бўлди.

Ўзбекистон банк тизимининг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорлиги йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон тижорат банклари учун улар иштирокида халқаро рейтинг баҳолаш услубиётида қўлланиладиган меъёр, мезон ва стандартларга асосланган банк ва молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш борасида халқаро конференция ва семинарлар ўтказиш анъанага айланди.

Хусусан, шу йилнинг 12 — 17 март кунлари “Мудис”, 17 — 19 апрель кунлари “Стандарт энд Пурс” ва 19 июнь куни “Фитч Рейтингс” агентликлари билан ҳамкорликда ана шундай амалий учрашувлар ўтказилди. 12 июнь куни “Мудис” агентлигининг Ўзбекистон банк соҳасини баҳолаш бўйича фаолияти” мавзуида, 19 июнь куни “Фитч Рейтингс” агентлиги билан “Ўзбекистон банклари: ташқи нобарқарор шароитда ривожланиш” мавзуида ва 25 июль куни “Стандарт энд Пурс” рейтинг агентлигининг кредит рейтинги ҳамда унинг Ўзбекистон банклари томонидан қўлланилиши” мавзуида амалий конференциялар ўтказилди.

Семинар ва конференциялар давомида рейтинг агентликлари томонидан халқаро баҳолаш тизимидаги янгиликлар ва ўзгаришлар тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон банк тизими ривожланиши юзасидан ижобий фикрлар билдирилди.

Жумладан, “Стандарт энд Пурс” рейтинг агентлигининг “Молиявий институтлар” (Лондон) гуруҳи ижрочи директори Жон Гиблинг раҳбарлигидаги халқаро таҳлилчилар Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакат молия-банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида банкларнинг капиталлашуви, барқарорлиги ва ликвидлиги тобора мустаҳкамланаётганини, кўрилаётган аниқ мақсадли чора-тадбирлар эса мамлакат иқтисодиётини глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов томонидан банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг тўлов қобилиятини доимо ошириб бориш ҳамда банкларни мамлакат иқтисодиётининг локомотивига айлантириш ва бунда ташқи қарзларни оқилона жалб қилиш банк тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналиши этиб белгиланган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари асосида мақсадли жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда. Қарзни ўз вақтида қайтара олишга қатъий ишонч ва кафолат бўлмаган пайтларда муайян лойиҳаларни кредитлаш бўйича айрим таклифлардан воз кечилган ҳолатлар ҳам бўлди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини бартараф этиш мақсадида қабул қилинган 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижроси мамлакатимиз иқтисодиёти реал сектори корхоналарининг барқарор ишлашида ҳамда банк тизимининг молиявий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлди. Ушбу Дастур асосида амалга оширилган изчил чора-тадбирлар Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирлари ва оқибатларидан мустаҳкам ҳимоя қилиш имконини берди. Бу жаҳон миқёсида катта обрўга эга халқаро молия ташкилотлари, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси, халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Тошкент шаҳрида 2012 йил 25 июль куни бўлиб ўтган “Стандарт энд Пурс” рейтинг агентлигининг кредит рейтинги ҳамда унинг Ўзбекистон банклари томонидан қўлланилиши” мавзуидаги конференцияда иштирок этган **“Стандарт энд Пурс” рейтинг агентлигининг “Молиявий институтлар” (Лондон) гуруҳи ижрочи директори Жон ГИБЛИНГ** мамлакатимиз банк тизимининг ривожланишини юксак баҳолар экан, “Ўзбекистон Республикасининг энг йирик тўрт банкининг (Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, “Ўзсаноатқурилишбанк”, Халқ банки, “Ипотека-банк”) рейтинг баҳосини янги мезонлар жорий этилиши муносабати билан бир поғона юқорига кўтардик, — деб таъкидлади. — Бу рейтинг баҳолари шундан далолат берадики, биз халқаро рейтинг агентлиги сифатида Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараймиз, молия институтларининг кучли ва заиф томонларини максимал даражада объектив баҳолашга ҳаракат қиламиз”.

**“Мудис” халқаро агентлигининг катта вице-президенти Майкл КОРВИН**нинг қуйидаги фикрлари ҳам эътиборга моликдир: “Биз айни пайтда, Ўзбекистон банк тизими барқарор ривожланишини прогноз қилаяпмиз. Ҳукумат томонидан яратилган иқтисодий шарт-шароитлар, мамлакатнинг сўнгги йиллардаги макроиқтисодий кўрсаткичлари банкларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда”.

**“Фитч Рейтингс” агентлигининг банк гуруҳи бошлиғи Жеймс УОТСОН** “...жаҳон молиявий инқирози Ўзбекистон банк тизимига ўзининг салбий таъсирини ўтказа олмади. Ўзбекистон банклари томонидан жаҳон молия бозорларидан кредит маблағларини оқилона ва узоқ муддатларга жалб қилиниши бунинг ёрқин далилидир. Бу эса мамлакат банк тизими рейтинг баҳосига ижобий таъсир қилади ҳамда рейтинг агентликлари томонидан ушбу ҳолат қўллаб-қувватланади”, деб таъкидлади.

Маълумки, банклар юридик ва жисмоний шахсларнинг банкка ишониб топширган маблағларидан таваккалчилик асосида фойдаланади. Банклар томонидан ушбу маблағларнинг ишончли сақланишини ва ўз эгаларига фоизли даромадлар билан бирга тўлиқ қайтарилишини, шунингдек, тўловларни амалга ошириш орқали мижозлар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш банк тизимига бўлган ишончни янада мустаҳкамлашда муҳим омил саналади.

Мамлакатимиз молия-банк тизимининг иқтисодиётдаги молиявий воситачилик ролини ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар, аҳоли ва хорижий инвесторларнинг ушбу тизимга бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган назорат механизми шакллантирилган.

Аввало, ҳар бир тижорат банкининг молиявий мустаҳкамлиги, ўз мажбуриятларини муддатида ва тўлиқ бажариши Марказий банк томонидан қатъий назоратга олинган. Шу билан бирга, аҳолининг банклардаги омонатлари тўлиқ қайтарилишини таъминлаш мақсадида Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди тузилган. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганлигини алоҳида қайд этиш зарур. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонунига кўра, мижозлар тўғрисидаги банкка маълум бўлган барча маълумотлар банк сири маълумотлари тоифасига киритилган, улардан қонунда белгиланмаган ҳар қандай мақсадда учинчи шахслар томонидан фойдаланиш тақиқланган.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банкларнинг ҳолатини ўрганиш ва ўзларига маъқул банкни танлаш имкониятини ошириш мақсадида банклар тўғрисидаги батафсил маълумотлар оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот технологиялари орқали эълон қилиб борилмоқда.

Юқорида қайд этиб ўтилган жиҳатлар халқаро экспертлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Жумладан, **“Фитч Рейтингс” агентлигининг банк гуруҳи бошлиғи Жеймс УОТСОН** “...биз ўз ўрганишларимиз жараёнида, инқироз пайтида Ўзбекистон банкларидаги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар депозитлари ойма-ой ошиб бораётганлигини кузатдик ва бу ҳолат тижорат банклари барқарорлиги ва ишончлилигидан далолатдир”, деб таъкидлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-молиявий ислоҳотларнинг амалий натижалари халқаро молия институтлари, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси миссиялари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг 2011 йил 2 — 15 ноябрда юртимизда бўлган миссияси давомида Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотларга ижобий баҳо берилди. Миссиянинг расмий баёнотида, жумладан, қуйидагилар қайд этилган:

“Ўзбекистон икки мингинчи йилларнинг ўрталаридан жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Сўнгги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир. Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди. Бундан ташқари, банкларнинг капиталлашувини сезиларли равишда кўпайтириш банк секторини барқарорлаштириш имконини берди ва ривожланишга доир давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашмоқда”.

Шу ўринда 2011 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,3 фоизни, 2012 йилнинг биринчи ярмида эса 8,1 фоизни ташкил қилганини, 2000 — 2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробарга ошганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқиш сабаблари иқтисодий ривожланган давлатларда ҳам банк назоратини такомиллаштириш ва бунда назоратнинг янги воситаларидан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Ўзбекистонда ушбу масалада муайян амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг июль ойида Жаҳон банки техник ёрдами доирасида банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини мамлакатимиз банк тизимига жорий қилиш лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Шу мақсадда Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорликда 2012 йил 27 июнь куни “Банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини аниқлаш учун стресс-тест ўтказиш” мавзуида халқаро конференция ташкил этилди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011 — 2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори талаблари доирасида ташкил этилиб, мамлакатимиз тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини аниқлаш учун стресс-тест ўтказиш масалаларига бағишланди.

Конференцияда **Халқаро валюта жамғармаси вакили Хайко ХЕССЕ** ХВЖнинг янги ҳужжатларида Ўзбекистон банк соҳасининг барқарорлиги юзасидан ижобий хулосалар берилганлигини қайд этди. Бунда мамлакатимиз банк активлари етарли даражада диверсификация қилинганлиги, банклар барча мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиши ҳамда банк операцияларининг ажралмас қисми бўлган хатарларни бошқаришда назоратнинг кучли эканлиги алоҳида таъкидланганлигини билдирди.

Халқаро стандартлар асосида самарали банк назоратининг амалга оширилиши, банк ликвидлиги ва активлари сифати устидан доимий мониторинг олиб борилиши Ўзбекистон тижорат банкларига етакчи халқаро рейтинг агентликларининг ижобий рейтинг баҳоларини олиш имкониятини берди. Бу эса банкларимизга жаҳон ҳамжамияти билан истиқболли ҳамкорликка кенг йўл очади, мамлакатимиз учун хорижий сармояларни жалб қилиш ҳамда унинг иқтисодий ривожланишини ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ХВЖнинг 2012 йил 26 апрель — 3 май кунлари мамлакатимизда бўлган навбатдаги миссияси томонидан ҳам эътироф этилди. Хусусан, Ўзбекистон ҳукумати Марказий банк билан биргаликда банк назоратини янада такомиллаштириш ва банк тизими ишончлилигини мустаҳкамлаш масалаларига жиддий эътибор бераётганлиги таъкидланди.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар ва баҳолардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон молия-банк соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг изчил давом эттирилиши мамлакатимиз молия-банк тизимининг халқаро мавқеи истиқболда бундан ҳам юксалишига ҳамда халқаро молия институтларининг янада юқори баҳоларига эга бўлишига хизмат қилади.

**(ЎзА).**



## Қарор ва ижро

*Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада Сербиядан ташриф буюрган жаноб Иван Терцик билан суҳбатлашиб қолдик. Маълум бўлишича, у раҳбарлик қилаётган "Agroexem d.o.o." компанияси пакана ва яримпакана мевали дарахт кўчатлари етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, бундай ниҳолларни дунёнинг кўплаб давлатларига экспорт қилишар экан.*

*— Ўзбекистонга 2011 йилдан буён турли кўчатларни етказиб бераяпмиз, — дейди у. — Ҳисоблаб кўрсак, бугунги кунга қадар 2 миллион туп олма, ўрик, нок, олхўри, гилос ниҳоллари сотилибди. Ҳайратланарлиси, мамлакатингизда боғдорчиликни ривожлантиришга давлат томонидан эътибор қаратилиб, боғ яратмоқчи бўлган фермерларга имтиёзли кредитлар берилиши, лизинг хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилган экан. Бу ибрат олса арзийдиган жиҳатдир.*

# Боғни боқсанг, болга тўлур

*Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоқларидан бири бўлган мева-сабзавотчиликда самарадорликни ошириш, маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш мақсадида изчил чора-тадбирлар кўрилаяпти. Айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳада бутунлай янги даврни бошлаб берди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Чунки мазкур қарорга мувофиқ, тармоқда фермерлик ҳаракати жорий қилиниб, мавжуд боғ-роғлар етарли тажрибага эга бўлган асл соҳибкорларга танлов асосида берилди. Бу эса натижани узоқ куттирмади. Боғлар файзу барака манбаига айланди. Исботми?*

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, 2005 йилда мевали боғларнинг умумий майдони 208,2 минг гектар бўлиб, шундан 152,4 минг гектари ҳосилга кирган. Уларнинг ҳар гектаридан ўртача 62,3 центнердан мева узиб олиниб, жами 949,3 минг тонна ҳосил етиштирилган, холос. 2011 йилнинг якуни бўйича боғлар майдони 244,3 минг гектардан ошиб кетди. Шунга мос равишда ҳосилдорлик ҳам, ялпи хирмон ҳажми ҳам ўсди. Эътибор қилинг, 2005 йилдаги кўрсаткич билан таққосланганда, ҳосилдорлик 156,2 фоизга ўсиб, 97,3 центнерга, ялпи ҳосил миқдори 197,9 фоизга ошиб, 1878,8 минг тоннага етказилди. Узумчилик, полиз ва сабзавот экинлари, шунингдек, картошкачилик бўйича ҳам шундай муваффақият қўлга киритилгани эътиборга моликдир.*

*Шу ўринда табиий савол туғилади: бунга қандай қилиб эришилди?*

*— Ютуқлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан соҳада фермерлик ҳаракати ривожлантирилгани, уларга муносиб меҳнат шароити яратиб берилгани самарасидир, — дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сабзавот-полизчиликни, боғдорчиликни, узумчиликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бошқармаси бошлиғи Зафар Ортиқов. — Боғбонларда эгалик ҳисси пайдо бўлиб, моддий манфаатдорлигининг ошиши эса ишга нисбатан муносабатни ўзгартирди. Боғлар хатосининг тўлдирилиши, агротехника тадбирларининг сифатли ўтказилиши туфайли ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормоқда. Фермерларнинг ташаббуси билан 8,5 минг гектар боғ реконструкция қилиниб, 1 миллион 900 минг тупдан ортиқ кўчат экилгани, юзлаб гектар майдонларда янги боғлар яратилгани бунга мисол бўла олади.*

*Халқимизда "Боғни боқсанг, боғ бўлади" деган пурмаъно ҳикмат бежизга айтилмаган-да!*

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасидан олинган маълумотларга қараганда, бугунги кунда республикамизда 67 минг 400 дан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 15,2 мингтаси боғдорчилик ва узумчилик, 20,2 мингтаси сабзавот ва полизчиликка ихтисослаштирилган. Фермерлар ўз фаолиятида битта йўналиш билан чегараланиб қолмагани, айниқса, қувонарлидир. Айтайлик, чорвачилик ва деҳқончилик йўналишларидаги фермер хўжаликларида боғдорчиликка қўл урилаётгани соҳа ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Буни Ғузор туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги мисолида яққол кўриш мумкин.

## Эзгу ташаббус ҳосили

**Ғ**айрат Пўлатов раҳбарлик қилаётган мазкур жамоа салкам 200 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштиради. Бу экинлардан ҳар йили мўл ҳосил олаётган фермер ўз омадини боғдорчиликда ҳам синаб кўрди: 60 гектар ерга ўрик, шафтоли, анор, бодом сингари мевали дарахт кўчатларини экиб, парваришлай бошлади. Жорий йилда ҳосилга кирган дарахтлар шохини кўтара олмай қолди.

— Етиштирилган ҳосилни ўзимизнинг замонавий корхонамизда қайта ишлаймиз, — дейди фермер. — Мева-сабзавотчиликка қўл урганимизнинг сабаби ҳам бу маҳсулотларга бўлган ички эҳтиёжни қондириш эди, аслида. Шу мақсадда бу йил кўкламда яна 20 гектар майдонга олманинг яримпакана навини экдик. Интенсив боғимиз биринчи йилдаёқ нишона ҳосил берганини айтсам, ишонмассиз. Мутахассисларнинг айтишича, 3-4 йил ичида унинг ҳар гектаридан 50 тоннадан ошириб мева узиб олишимиз мумкин экан. Демак, уни экспорт қилиш имконияти ҳам вужудга келади.

Ғайрат Пўлатов сингари фермерларнинг ишбилармонлиги туфайли республикамиз аҳолиси ва қайта ишлаш корхоналарининг мева-чевага бўлган эҳтиёжи тўлиқ таъминланаяпти. Ўтган йили аҳоли истеъмоли учун 1 миллион 343,1 минг тонна сархил мева етказиб берилгани, яна 333,1 минг тоннаси саноат корхоналарида қайта ишлангани бунинг далилидир. Бундан ташқари, 226,2 минг тонна ширин-шакар мева чет давлатларга экспорт қилиниб, қишлоқ хўжалигимиз довруғи олам узра кенгроқ ёйилди.

## Илғор тажриба ва замонавий технология

— **К**ейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қаторида мева-сабзавотчиликка ҳам илм-фан ютуқлари, жаҳоннинг илғор тажрибаси жадал татбиқ этилмоқда, — дейди Зафар Ортиқов. — Бу соҳада янги йўналиш — интенсив боғдорчилик ўзлаштирилишига туртки бўлди. Мазкур технология асосида пакана ва яримпакана боғлар барпо этиш тажрибаси дастлаб Самарқанд ва Тошкент вилоятларида синаб кўрилди. Янгилик кутилган самарани бергач, у республикамизнинг барча ҳудудларида жорий қилина бошланди. Бугунги кунга қадар 5 минг гектардан ортиқ майдонда шундай боғлар яратилди. Яқин йиллар ичида интенсив боғлар майдони янада кенгайтирилиши натижасида ҳосилдорлик кескин кўтарилиб, қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятимиз бир неча баробарга ортади.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, интенсив боғларнинг афзалликлари кўп. Масалан, ҳосилдорлиги ниҳоятда юқори бўлиб, анъанавий усулда яратилган боғлардагига нисбатан 5-6 баробар мўл ҳосил етиштириш мумкин. Ахир замонавий технологияга кўра, ҳар гектар ерга икки ярим минг тупгача кўчат экилади. Ваҳолонки, одатдаги боғларга кўпи билан 300-400 туп кўчат қадалади, холос. Шунингдек, пакана дарахтлардан дастлабки йилда нишона ҳосил олинса, иккинчи йилда гектаридан 10, учинчи йилда эса 20 тоннадан мева терилади.

Таъкидлаш керакки, дастлаб хориж технологиясига асосланган боғларда олма, беҳи, нок сингари уруғлик мевали дарахт ниҳоллари ўтқазилган бўлса, эндиликда ўрик, шафтоли, олхўри, гилос каби данакли мевали дарахт кўчатлари ҳам экилаяпти. Энг асосийси, шундай боғдорчилик материалларини ўзимизда етиштириш йўлга қўйилди. Бунинг ҳисобига кўчатлар импорти тобора камайтирилаётгани эътиборга молик.

— 2012 йил баҳорида республикамиз аҳолиси ва фермер хўжаликларига икки миллион туп мевали дарахт кўчати етказиб берган бўлсак, шундан 400 минг тупи интенсив боғлар учун яримпакана пайвандтагдаги олма ниҳолларидир, — дейди Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Равшан Абдуллаев. — Кузги экин-тикин мавсуми учун яна 500 минг туп яримпакана олма, шафтоли, ўрик, гилос каби дарахт кўчатларини тайёрлаб қўйдик. Бундай серҳосил дарахтларга ортиб бораётган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ошириб бораверамиз.

## Гултувакда мева пишди

Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти олимлари томонидан 11 сотихлик иссиқхонада тажриба тариқасида олма, шафтоли, ўрик ва гилоснинг пакана нави парваришланаяпти. Ҳеч қандай ёқилғисиз, фақат қуёш нури ёрдамида иситиладиган ушбу иссиқхонада нафақат эртанги муддатда, балки йил давомида мева етиштириш ўзлаштирилиши кўзда тутилгани диққатга сазовор.

Институт олимларининг "Ҳаракатдаги боғ" деб номланган лойиҳаси эса республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида чинакам янгилик бўлди. Мазкур технология кўп қаватли турар-жойларда истиқомат қилаётган аҳолига ўз эҳтиёжига яраша мевани уй шароитида етиштириш имконини беради. Бунинг учун гултувакка пакана дарахт кўчати ўтқазилиб, мутахассислар тавсияси асосида парваришлаб турилса, кифоя. Ҳар туп дарахтдан ўртача 3-8 килограммдан 15 йил давомида мева териб олиш мумкин. Ўтган йили экилган шундай дарахтларнинг илк ҳосили ғарқ пишди.

Бу йилги об-ҳаво мева-сабзавотчилик учун жуда қулай келди. Боғларнинг ҳосили ҳар доимгидан-да мўл. Мевасининг кўплигидан шохлар ларзон. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, республикамиз бўйича 2 миллион 25 минг тоннадан ортиқ мева йиғиштириб олиниши кутилмоқда. Шундан 345 минг тоннаси қайта ишланса, қарийб 90 минг тоннаси экспорт қилинади. Қолган қисми эса сифатли сақланиб, юртимиз аҳолисига йил давомида арзон нархларда тортиқ этилиши белгиланган.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Яна даромад кўра бошлади

***Япониянинг "Тойота" автомобилсозлик компанияси яна даромад кўра бошлаган.***



Бу ҳақда "Франс пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Жумладан, корхона биринчи ярим йилликда 3 миллиард евро миқдорида маблағ ишлаб олган. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан тўрт баробарга кўпдир.

Компания Шимолий Америка ва Японияда автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини оширгани туфайли ана шундай ижобий кўрсаткичга эришган.

### Ишсизлик даражаси ортаяпти

***Тўрт йил аввал бошланган молиявий-иқтисодий инқироз дунёнинг баъзи ривожланган мамлакатларида ҳануз ўз таъсирини ўтказаяпти.***

"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, АҚШда июль ойида ишсизлик даражаси 8,3 фоизга етган. Вазиятни яхшилаш мақсадида Меҳнат вазирлиги томонидан янги иш ўринлари яртилмоқда. Хусусан, ўтган ойда 163 минг киши иш билан таъминланган. Аммо бу кутилган натижани бермаган.

Экспертлар вазият шундай давом этадиган бўлса, Федерал захира тизими мамлакат иқтисодиётида баъзи ўзгартиришларни амалга ошириши мумкинлигини айтишмоқда.

### Да Винчининг сўнгги асари

***Шотландиядаги фермалардан бирида Леонардо да Винчининг сўнгги асари топилди.***



Картинада аёл ва бола сурати тасвирланган бўлиб, у 1690 йилдан бери Макларенлар оиласида сақланиб келган.

Ҳозир асар Кэмбриждаги Ҳамилтон Кэрр институтига юборилган. Бу ерда у мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилади. Тадқиқотда унинг асл нусха эканлиги аниқланса, кимошди савдосида 100 миллион фунт стерлингдан камига сотилмаслиги маълум қилинган.

### Марсга сафар

***Ўтган йилнинг ноябрь ойида Ердан парвоз қилган "Кьюриосити" фазовий аппарати Марс сайёрасига муваффақиятли қўнган.***

Бу ҳақда НАСА томонидан хабар тарқатилди.

Ҳозир "Кьюриосити" тадқиқотлар олиб бораётган Марс экватори яқинидаги Гейла кратерида қиш тугаб, баҳор бошланган.

"Қизил сайёра"га парвозни амалга оширган "Кьюриосити" бу ерга етиб келгунча 560 миллион километр масофани босиб ўтган.

Марс сайёрасига парвоз устида ўн йилдан бери тадқиқотлар олиб борган мутахассислар ушбу муваффақиятдан ўз ҳаяжонларини яшира олмаяптилар. Чунки бу орқали сайёра ҳақида янада кўпроқ маълумотларни тўплаш мумкин.

Лойиҳани амалга ошириш учун 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. "Кьюриосити" икки йил давомида фазода бўлади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

● Реклама ва эълонлар ●




«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Бухоро вилояти филиали

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

Аукцион савдосига Олот тумани СИБ томонидан, Бухоро вилояти хўжалик судининг 2011 йил 15 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Асртекс» МЧЖга тегишли, Олот тумани, Дўстлик кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 13500,0 кв.м.дан иборат маъмурий-маиший бино, қозонхона, кондиционер биноси, ҳожатхона, ҳимоя девори ва асфальт қопламаси ҳамда 36 номдан иборат асбоб-ускуналар мулкий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 11 451 254 155 сўм.**

*Аукцион савдоси 2012 йил 24 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 22 август куни соат 18.00.

Савдога қўйилган мулкий мажмуа билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро филиалининг «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Тел.: (8-365) 223-71-36, 223-71-30. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1294R/1441






## Эътироф

*Айни кунларда юртимизда Мустақиллигимизнинг 21 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Байрам арафасида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда, шаҳару қишлоқларимизда улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилаяпти.*

*Шуларга уйғун тарзда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилаяпти, тараққиётимиз барқарорлиги мустаҳкамланиб, аҳоли фаровонлиги ошиб бораяпти. Буни нуфузли халқаро ташкилотлар ва экспертлар қаторида тинч ва осуда диёримизга ташриф буюраётган кўплаб хорижлик меҳмонлар ҳам алоҳида эътироф этишмоқда. Биз уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлдик.*

# «Бетакрор заминдан ёрқин таассуротлар олдик!»



**Кристоф МАРТИН (Франция):**

— Ўзбекистонга келишимдан аввал бу юртнинг тарихий шаҳарлари, пойтахти, иқтисодий-ижтимоий салоҳияти ҳақида интернет ва бошқа манбалар орқали батафсил танишиб чиқдим. Саҳифаларга жойлаштирилган суратларни томоша қилдим. Шундан сўнг қалбимда ҳаммасини ўз кўзим билан кўриш иштиёқи туғилди.

Сафаримнинг дастлабки кунларида пойтахтингизнинг диққатга сазовор жойларида бўлдим, бозорларни айландим, турли ноз-неъматлардан татиб кўрдим. Жудаям ажойиб. Биласизми, бозорларингизнинг бирида сотувчи ва харидор ўртасидаги самимий муносабатни кузатиб, лол қолдим: улар гўё бири-бирини кўпдан буён танийдигандек. Кейин худди шу ҳол менда ҳам такрорланди. Сотувчи мева-чевадан тарозига ҳатто ошиқчаси билан қўйиб берди. Бундай бағрикенг, чеҳраси очиқ, ўзгаларга ҳамиша ҳурмат билан қарайдиган халқ дунёда камдан-кам учрайди.

Юртингизнинг такрорланмас таровватига маҳлиё бўлиб, вақтнинг қандай ўтганини ҳам билмай қолдим. Ўзбекистонга келиб, ундаги гўзал шаҳарларни, улкан бунёдкорлик ишларини, кенг ва ёруғ кўчаларни, замонавий меҳмонхоналарни кўрганимдан, шарқона лутфдан баҳраманд бўлганимдан бениҳоя мамнунман.

**Накамура ТАКАХАШИ (Япония):**

— Спорт соҳаси мутахассиси бўлганим учун қайси давлатга бормай, албатта, бу борада яратилган шарт-шароитлар билан қизиқаман. Очиғи, Ўзбекистонда кўрганларим мени ҳайратга солди: саёҳат қилган шаҳарларнинг барчасида муҳташам спорт мажмуалари, стадионлар, теннис кортлари, сузиш ҳавзаларини кўрдик. Ҳатто, энг олис ҳудудларда яшовчи ёшлар учун барча имкониятлар яратиб берилган экан. Бизга Президент ташаббуси билан мамлакатингизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилгани, ушбу жамғарма маблағлари янгидан-янги спорт иншоотлари барпо этиш учун йўналтирилиши ҳақида гапириб беришди. Демак, Ўзбекистон соғлом авлодни тарбиялашга, шу орқали ўзининг муносиб келажагини таъминлашга интилмоқда. Бу ҳавас қилишга арзийдиган тажрибадир.

**Лукаш ВАГНЕР (Германия):**

— Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Қарши сингари бир неча минг йиллик тарихга эга шаҳарларингиз қаторида Ўзбекистон юраги — Тошкентни ҳам алоҳида тилга олмаслик мумкин эмас.

Пойтахтингизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилар эканман, мозий ва бугунги кун нафаси уфуриб турган манзаралар мени бутунлай ўзига ром этди. Ўзбекистоннинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалиши, бу диёр жаҳон цивилизациясида ўз ўрнига эга эканига яна бир карра амин бўлдим.

Маълумки, ҳозирги кунда кўплаб ривожланган давлатларда миллий қадрият, урф-одат туфайли сақланувчи колорит, ранг-баранглик ўрнини замонавийлик эгаллаб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бироқ ўзбек миллатининг ўзига хос анъаналари ва санъати асрлар оша сақланиб келинаётгани менда катта таассурот уйғотди. Таомларингиз ҳам бетакрор. Айниқса, маҳорат билан тайёрланган палов, иси димоғни чоғ қилувчи, қизариб пишган тандир нонларининг таъми ўзгача. Бир марта татиб кўрган одам, албатта, узоқ вақт унинг мазасини соғиниб яшайди.

Мен фурсатдан фойдаланиб, меҳмондўст халқингизни яқинлашиб келаётган миллий байрам — Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этаман. Юртингизда тинчлик ва осойишталик, фаровонлик абадий бўлсин, деб қоламан.

**Шаҳина ЖЎРАЕВА ёзиб олди.**

# Маданий меросимиз тараннуми

*Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Бизнинг мерос. Ўзбекистон санъати усталари» мавзуида кўргазма ташкил этилди.*

## Танлов

Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган ушбу тадбирни ташкил этишдан мақсад, юртимизда яшаб ижод қилган таниқли мўйқалам усталари, ҳайкалтарошлар ижоди билан санъат ихлосмандларини яқиндан таништириш, турли авлод вакиллари асарлари орқали тасвирий санъат профессионал мактабининг яралиш тарихи, шаклланиш ва ривожланиш даврларига оид асарларни намойиш этишдан иборат. Кўргазмадан Ш. Абдурашидов, Р. Каримов, Т. Миржалилов, О. Муинов, М. Аблақулов, Э. Қаҳҳоров, Б. Шодиева сингари ўндан зиёд рассом ва ҳайкалтарошларнинг Бадиий кўргазмалар дирекцияси ва шахсий коллекцияларда сақланаётган сара асарлари ўрин олган.

Кўргазмага қўйилган асарларда жонажон Ўзбекистонимизнинг гўзал ва бетакрор табиати, меҳнаткаш ҳамда самимий юртдошларимиз сиймолари акс эттирилган.

**О. ТАСТАНБЕКОВА.**

## Олимпиада кундалиги




***XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг бокс мусобақаларида 60 ва 75 кг. вазн тоифаларидаги спортчилар ярим финал йўлланмалари учун кураш олиб бордилар. Унда ҳамюртларимиздан Фазлиддин Ғойибназаров ва Аббос Атоев иштирок этди.***



Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган сурат.

# Аббос – ярим финалда

Совринли ўринларга даъвогарлик қилаётган Фазлиддин Ғойибназаров (60 кг.) бу сафар Жанубий Корея вакили Сончул Ханга қарши баҳс олиб бориб, имкониятни бой бериб қўйди.

Бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев (75 кг.) ўз вазн тоифасида Олимпиадада иштирок этаётган энг кучли спортчилардан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мухлису мутахассислар уни совринли ўринларга даъвогарлар қаторида эътироф этишмоқда. Эътиборли жиҳати, Аббос ўзига билдирилган бу юксак баҳога ҳар томонлама муносиб ҳаракат қилаяпти. Олимпиада ўйинларида дастлаб марокашлик Бадриддин Ҳаддиуйни, кейин эса руминиялик жаҳон чемпионати совриндори Богдан Юратонини мағлубиятга учратди. Ушбу муваффақиятлари билан у чорак финалга йўл олди. Бу босқичда эса боксчимизга қарши ҳиндистонлик Вижендер Сингх рингга кўтарилди. Таъкидлаш жоизки, Аббос ва Вижендер бундан икки йил муқаддам Гуанчжоуда ўтказилган Осиё ўйинлари финалида бир-бирига рўбарў келганди. Ўшанда ғалаба Сингхга насиб этганди. Ана шу мағлубиятдан етарлича хулоса чиқарган Аббос жанг бошидан ташаббусни ўз қўлига олди. Уч раунд давомида фаол ҳаракат қилган ҳамюртимиз кетма-кет аниқ зарбалар билан муҳим очколарни қўлга киритди. Якунда ҳакамлар унинг ғалабасини эълон қилди — 17:13. Истеъдодли боксчимиз шу тариқа ўз вазн тоифасида Олимпиаданинг энг кучли тўрт боксчиси сафидан жой олди. Қолаверса, бу камида бронза медали нақд дегани ҳамдир. Аммо Аббос бу билан қаноатланмоқчи эмас. Ҳамюртимиз ярим финал ва финал баҳсларида ҳам ғалаба қозонишни мақсад қилган. Бундан ташқари, навбатдаги босқичда унга рақиблик қиладиган япониялик Риото Мурата билан унинг алоҳида “ҳисоб-китоби” бор. Негаки, Риото Бокуда ўтказилган жаҳон чемпионатида Аббосни мусобақалардан чиқариб юборганди.

Ҳамюртимизга навбатдаги баҳсларда ҳам омад ёр бўлишини тилаймиз.

* * *

Шунингдек, оғир атлетика бўйича сўнгги медаллар жамланмаси ҳам ўйналди. 105 кг. вазн тоифасида ташкил этилган баҳсларда икки нафар ҳамюртимиз — Иван Ефремов ва Руслан Нуриддинов совринли ўринлар учун кураш олиб борди. Дунёнинг энг сара атлетлари ўртасидаги кескин ва муросасиз беллашувлар якунида Руслан ва Иван мос равишда тўртинчи ҳамда бешинчи поғоналарни банд этди.

# Гренадаликнинг илк медали

***Гренадалик енгил атлетикачи Кирани Жеймс Лондон Олимпиадасида 400 метрга югуриш баҳсларида олтин медални қўлга киритди. У бу масофани 43,94 сонияда босиб ўтди.***

Беллашувда иккинчи ва учинчи ўринлар Лугелин Сантос (Доминикан Республикаси) ҳамда Лалонде Гордон (Тринидад ва Тобаго)га насиб этди.

Эътиборлиси, Кирани Жеймс бу муваффақияти билан гренадалик атлетлар орасида ёзги Олимпиада ўйинларида совриндор бўлган биринчи спортчи сифатида тарихда қолади.

# Аламли мағлубият

***АҚШлик сузувчи Майкл Фелпс катта спорт билан хайрлашмоқчи.***

Бунга унинг Лондон Олимпиадаси дастуридан ўрин олган 200 метр масофага баттерфляй усулида сузиш баҳсларида Чад Ле Кло (Жанубий Африка Республикаси)га ютқазиб қўйгани сабаб бўлган.

— Имкони бўлганда мазкур финал баҳсида яна бир марта иштирок этардим, — дейди у. — Афсуски, бунинг иложи йўқ. Бу ҳаётимдаги энг аламли мағлубиятдир.

Майклнинг кайфияти тушиб кетгани бежизга эмас. Чунки у Олимпиада ўйинларидаги илк олтин медалини 2004 йили Афинада худди шу масофада ўтказилган баҳсларда қўлга киритганди. Шу боисдан ҳам спортчи мазкур масофада биринчи бўлишни астойдил истаётганини кўп бора таъкидлаб ўтганди.

Майкл Фелпс Олимпиада ўйинларида 18 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза — жами 22 медални қўлга киритган.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

# Ўзбекистон Сиань Халқаро болалар санъати кўргазмасида

*Яқинда Хитойнинг Шэньси провинцияси маъмурий маркази — Сиань шаҳрида жойлашган санъат галереясида “Халқаро болалар санъати кўргазмаси — 2012” бўлиб ўтди.*

## Биз ва жаҳон

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти котибияти, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Хитой болалар ижодиёти уюшмаси, Россия, Украина ва Жанубий Корея жамоат ташкилотлари томонидан уюштирилган мазкур кўргазма мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилиши билан бирга, ўсиб келаётган авлодлар ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар ривожига ҳам кўмаклашиши, шубҳасиз.

Тадбир чоғида расмлар, ҳуснихат, амалий санъат буюмлари, фотосуратлар ва болалар ижодиётининг бошқа намуналари намойиш этилди.

**Хитой болалар ижодиёти уюшмаси раиси, Хитой Бадиий санъат академияси ҳузуридаги медиа-анимация институти декани Лу Хайянь** “Хитойлик болалар мазкур кўргазма туфайли маданияти, урф-одат ва анъаналари чиройли суратлар кўринишида тақдим этилган мамлакатлар ҳақида янги билимларга эга бўлишди”, дея таъкидлади.

**Хитой болалар ижодиёти уюшмаси бош котиби Ло Цинь** қайд этганидек, Хитой ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги санаалари нишонланаётган даврда ўтказилаётган мазкур тадбир санъат тараққиётига ҳамда гуманитар соҳада давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Кўргазмада Ўзбекистон томонидан “Янги авлод форуми” ва “Эски шаҳар” болалар ижодиёти марказлари, “Феникс”, “Мозаика” мусаввирлар мактабларининг ёш рассомлари яратган ёрқин ва бетакрор суратлар намойиш этилди. Юртдошларимизнинг ижод намуналари кўргазма қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**«Жаҳон» АА.**


● Реклама ва эълонлар ●

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ**

*телерадиоэшиттириш соҳасида телерадиочастоталарни тақсимлаш ва фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибда лицензиялар бериш учун танлов эълон қилади.*

Танлов ўтказиш муддати — **2012 йил 6 октябрь.**
Танлов ўтказиш жойи: **Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносининг мажлислар зали.**

**ТАНЛОВГА ҚЎЙИЛГАН РАДИОЧАСТОТАЛАР:**

| Лот | Частота | Узатгич қуввати | Тарқатиш ҳудуди |
|---|---|---|---|
| I. Радиодастурларни тарқатиш | | | |
| 1* | 101,6 МГц (FM диапазон) | 100 Вт | Андижон шаҳри ва яқин атроф ҳудудларида |

* ***РРТМ ДУКдан ижара шарти билан.***

**Буюртмалар учун аризалар қабул қилишнинг бошланиш муддати — 2012 йил 8 август.**
**Буюртмалар учун аризалар қабул қилишнинг тугаш муддати — 2012 йил 6 сентябрь.**

**Буюртма учун ариза ва ҳужжатлар: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи манзилида қабул қилинади. Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссия ишчи гуруҳи.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 239-46-13, 239-84-57, 239-48-55.**

Пул ўтказиш учун банк ҳисоб рақамлари, танлов шартлари, буюртманомага илова қилинадиган ҳужжатлар, лицензия талаблари ва шартлари, телерадиоэшиттириш соҳасида телерадиочастоталардан фойдаланишга танловда иштирок этиш учун буюртма шакли билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги **(www.aci.uz)**, Давлат алоқа инспекцияси **(www.gis.uz)** веб-сайтларида танишиш мумкин.

1283R/963

**«CHINOZ BALIQLARGA OMUXTA YEM TAYYORLASH KORXONASI» МЧЖ**

***сифатли хом ашёдан балиқлар ва қорамоллар учун ҳар бир хўжаликка алоҳида мос келувчи рецепт асосида оқсилга бой донадор омихта ем ишлаб чиқаради.***

*Хўжаликдаги балиқ, қорамол ҳамда паррандани тўлиқ рационли, донадор омихта ем билан боқиш олинадиган маҳсулот ҳажмини 25 — 30% оширади, емлаш муддатини, маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатни, маҳсулот таннархини қисқартиради, қилинган меҳнат самарадорлигини, маҳсулот сифатини оширади.*

**Бизнинг манзил: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Гулзообод» ҚФЙ.**
**Телефонлар: (+99893) 577-86-94, (+99894) 660-48-28, (+99871) 215-51-52. Факс: (+99871) 233-18-12.**

1234A/914

AL-RAMI

**«eurofence» тўрли панель тўсиқлари спорт майдончалари, тураржой, паррандачилик фермалари ва бошқа катта ҳудудларни тўсишда қўлланилади.**
**Буюртма бўйича ўлчамдаги катак тўрни тайёрлаш.**
**Буюртма бўйича турли мураккабликдаги металлдан тайёрланган маҳсулотлар: фермалар, устунлар (колонна), парапетлар ва ҳоказолар.**
**Болғалаб безак бериб ясаш (художественная ковка), панжаралар, тутқичлар (перила), дарвозалар ва бошқалар.**
**Том, сунъий ҳавза, ҳовуз (бассейн)ларни ёпиш учун ПВХ-мембрана, маҳсулот кафолати — 50 йилгача.**

**www.stroyca.uz al-rami@inbox.ru (+99890) 187-44-65.**

133R/1126

GRANDFLEX

POLIETILEN PAKETLAR
VAKUUMLI TERMOQOPLAMALI VA TERMOQOPLAMASIZ QADOQLAR
*Mahsulotingiz ko'rki bizning vazifamizdir!*
O'ZI YELIMLANUVCHI ETIKETKALAR
www.grandflex.uz
Guvohnoma:102764
+998 71 270-06-76
+998 90 996-06-76

1225R/122


“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ жамоаси банкнинг “Қатортол” филиали бошқарувчиси Сунатулла Қудратовга падари бузруквори **Ропижон ҚУДРАТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти жамоаси институтнинг Ахборот технологиялари маркази ходими Қудрат Ваисовга падари бузруквори **Бектурди ВАИСОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ОБ-ҲАВО

(8 август)

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +20 +23 | +36 +39 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +20 +23 | +36 +39 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +20 +23 | +36 +39 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +20 +23 | +36 +39 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +19 +22 | +35 +38 |
| Тошкент шаҳрида | +20 +22 | +36 +38 |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 66 151 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5